

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 17-may, shanba № 38 (15780)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йил 20-21 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўладиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг тўртинчи саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОЛИАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, республика қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари акциядорларининг акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг компаниясини («Ўзагросаноат-машхолдинг» холдинг компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

энергия ва металл ишлатилишини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш;

холдинг компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

(Давоми 2-саҳифада)



ЎЗА сурати

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Президент Ислон Каримов форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани барча олим ва мутахассисларни ғоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Анжуманнинг шўба мажлисларида Шарқ алломаларининг астрономия, математика, география ва геодезия каби аниқ фанлар шаклланишидаги ўрни, тиббиёт, фармакология, кимё ва минералогия сингари табиий фанлар ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, ўрта асрлар мутафаккирларининг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳаларидаги ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Ал-Хоразмий илмий меросининг Темурийлар даври архитектураси ва эпиграфикасига таъсири, Абу Райҳон Беруний ва геологияда геодинамика Аҳмад ал-Фарғонийнинг

гидрологияга оид кашфиётлари, ибн Сино илмий мероси ҳамда унинг тиббиёт ва фармацевтика ривожланишидаги ўрни, Маҳмуд Замахшарийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматлари, Мирзо Улуғбек ва у ташкил этган илмий мактабнинг математика ва астрономия тараққиётига қўшган ҳиссаси, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожидagi аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи проректори Шуҳрат Сирожиддинов, Хитой Фан ва



технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, «Абу Али ибн Сино — Франция» уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел (Франция), Лувен католик университети профессори Юль Янссенс (Бельгия) ва бошқалар Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференция ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

Анжуман иштирокчи-

лари Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Енги сановат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлиб, мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими самаралари билан танишди. Меҳмонлар ёшларнинг халқаро стандартлар асосида, замон талабларига мос таълим-тарбия олиши учун яратилган шароит ва имкониятларга юксак баҳо берди.

Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА,  
Нодира МАНЗУРОВА,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми,  
аввали 1-саҳифада)

3. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ижро аппарати тузилмаси 1-ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Компания бошқаруви раисига зарур ҳолларда, унинг ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда холдинг компанияси акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига биноан тайинланади.

4. Белгилансинки, «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг бошланғич низом жамғармаси компанияга мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган қийматда бериладиган давлат акция пакетлари ва улушлари ҳисобидан 3-иловага мувофиқ шакллантирилади.

Холдинг компаниясига тушган маблағларни соҳага оид инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан компания акциялари пакетининг камида 51 фоизини давлат тасарруфида сақлаб қолган ҳолда, акциялар қўшимча эмиссиясини амалга оширишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янги ташкил этиладиган «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятида жамлаш ва «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини «Чирчиққишлоқмаш» очик

акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларига босқичма-босқич кўчириш ва улар негизда осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятини ташкил этиш, «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

янги ишлаб чиқариш корхоналарини 4-иловага мувофиқ жойлаштириш учун «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларининг бўшайдиган ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ҳамда ер участкаларини «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси балансида унинг низом жамғармасидаги давлат улуши ҳисобидан белгиланган тартибда ўтказиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги техникаси учун компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолиш, бунда акциядорлик жамиятининг устав жамғармасида давлат улушини «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, ҳисобланган пеня ва жарималари билан бирга капиталлаштириш эвазига кўпайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамияти ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятининг низом жамғармаларини шакллантиришни белгиланган тартибда таъминласин.

Белгилансинки, «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятларининг бошланғич низом жамғармалари тугатилаётган «Тошкент трактор заводи» ва

«Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, жумладан, қарздорликни сўндириш пайтигача ҳисобланган пеня ва жарималарни қўшган ҳолда ундириш ҳисобидан мулк комплексларининг бир қисми сифатидаги давлат улуши эвазига шакллантирилади.

7. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси 2019 йилнинг 1 январигача «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларини тугатиш жараёни ниҳоясига етгач, компанияга бериладиган ер участкалари ва мулк бўйича ер солиғи ва мулк солиғидан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, холдинг компаниясига берилган ер участкалари ва мулк негизда ташкил этиладиган янги корхоналар ер ва мулк солиғини ўрнатилган тартибда тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа объектларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида (ТТЗ-1, ТТЗ-2, ТТЗ-4 ва Югнакий даҳаларида) энергия тежайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган маҳаллий қозонхоналарни қуриш ва уларни 2015 йилнинг биринчи чорагидан кечиктирмай ишга туширишни кўзда тутсин.

Маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида маҳаллий қозонхоналар қуришни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллий қозонхоналар фойдаланишга топширилгач, уч ой муддатда Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда бузиш, қозонхона ускуналарини қайта монтаж қилишни таъминласин.

10. «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Ишчи комиссияси 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (У.У.Розуқолов) қонунчиликда белгиланган тартибда:

икки ой муддатда «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси шакллантирилишини ташкил этиш, компания таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш, ижро аппаратини юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

«Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятини тугатиш жараёнини ташкил этишни таъминласин;

«Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ижро аппаратини Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчасидаги 434-уйда (1-маъмурий-маиший корпусда) жойлаштирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни кўзда тутадиган 2014-2016 йилларда республикада қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатиш тизимининг фаолият кўрсатишини янада такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатишнинг замонавий услублари ва технологияларини жорий этиш;

мамлакатимиз машинасоzлик корхоналарида республикада фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматларини кўрсатишнинг замонавий услублари ва технологияларини жорий этиш, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 15 май

**И.КАРИМОВ**

## ИНХА УНИВЕРСИТЕТИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Пойтахтимизда Жанубий Кореянинг Инха университети президенти Пак Чун-Бэнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган учрашув видео-конференция шаклида ўтказилгани унда мамлакатимиз ҳудудларидан ҳам абитуриентларнинг иштирок этишига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Шерматовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда таълим

соҳасининг изчил ислоҳ этилаётгани барча йўналишлар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида Жанубий Кореянинг Инха университети филиали очилиши амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самараси бўлди.

Тадбирда Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университетида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи мутахассислар тайёрлаш

учун барча зарур шароит яратилишини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳридаги Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университети яқин келажакда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ахборот

технологиялари саноати мутахассисларини тайёрлайдиган етакчи марказлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Мамлакатимизнинг ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари янги олий ўқув юртига кириш, бу ерда таҳсил олишга оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди ва Жанубий Корея олий таълим тизими билан танишди. Видео-конференцияда Тошкент шаҳридаги Инха университетида кириш имтиҳонлари саволларининг намуналари намойиш этилди.

**Бобур ОБИДОВ,  
ЎзА мухбири**



# БУЮК ДАҲОЛАРНИ ЕТИШТИРГАН ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ АЛБАТТА БУЮК БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи хорижлик олимлар ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.**

ЎЗА махсус мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

**Юль ЯНССЕНС, Лувен католик университети профессори (Бельгия):**

— Президент Ислоҳ Каримов конференциянинг очилиш маросимида илмий фаолиятимга юксак баҳо берганидан ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Тарихни, бугунги кунни ва келажакни яхши биладиган, илм-маърифатни қадрлайдиган инсон бундай самимий фикрларни айтади. Бу фикрлар мен учун катта шараф, айна пайтда юксак масъулия.

Европада Шарқ цивилизацияси, хусусан, Мовароуннахр тарихини жуда қадрлашади. Мен ушбу худуднинг тарихий ривожини, буюк алломаларини илмий меросини ўрганишга бутун ҳаётимни бағишлаганман.

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Улар яратган кашфиётлар, қомусий асарлар ва илмий ишлар бутун жаҳон аҳлининг бойлигига айланган. Масалан, ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида бутун Европа шифокорлари учун асосий қўлланма бўлиб келган. Швейцариялик машҳур тиббиёт тарихчиси Арнольд Клебс бу асарни барча даврларнинг энг муҳим ва долзарб интеллектуал феномени, деб таърифлаган.

Мен ибн Синонинг тибби-

ёт, биология, минералогия, геология ва фалсафа соҳаларидаги тадқиқотларини юксак қадрлайман. Уларни ўрганиш асосида «Ибн Сино ва унинг араб ва латин дунёсига таъсири», «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» каби китоблар ёзганман. Алломанинг дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва шундай буюк даҳоларни етиштирган замин олдида таъзим қиламан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг аждодларининг илмий-маънавий меросини асраш, келгуси авлодларга етказиш борасидаги буюк хизматларидан кўпчилик ўрнак олса арзийди. Бунинг учун Президент Жаноби Олийларига чексиз миннатдорлик билдираман.

**Пак Чун-БЭ, Инха университети президенти (Жанубий Корея):**

— Самарқанд қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда камол топган олиму мутафаккирлар бугунги авлодларнинг фахру ифтихорига айланган.

Президент Ислоҳ Каримов конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ёшларга мурожаат қилиб, уларни буюк аждодлари билан фахрланишга, гурурланишга чақириб, айна вақтда бобокалонларининг бебаҳо меросини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиш кераклигини таъкидлади.

Бу жуда тўғри талаб, эзгу мақсад. Буюк инсонларга муносиб бўлишга, улар бошлаган ишларни ривожлантиришга

интилиш ёшларни камолотга етаклайди.

Ўзбекистонда бунинг учун барча шароит бор. Мактабгача ва мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим бўғинини қамраб олган узлуксиз таълим тизими, шунингдек, олий таълимдан кейинги диссертация босқичлари халқаро меъёрларга мос ҳолда ташкил этилган. Бу Президент Ислоҳ Каримовнинг ёшларнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишиши учун қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик кўпалаб соҳалар қатори таълим тизимида ҳам изчил тараққий этаётгани бизни ғоят қувонтиради. Давлатингиз раҳбарининг 2014 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил қилинаётган Инха университети ана шу ҳамкорликнинг яққол намунасидир. Ушбу университет Ўзбекистон билан фан-таълим, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий наشرлар» маркази директори (АҚШ):**

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари боис мамлакатингизнинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Ўзбек халқи бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларидир. Бу муқаддас заминда вояга етган буюк алломалар, олиму фузалолар жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Мамлакатингиз мустақиллиги шарофа-

ти билан хорижда буюк аждодларингизнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президент Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳару қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, муҳташам бино ва иншоотлар юртингиз кўркига кўрк қўшмоқда. Халқаро конференция иштирокчилари тўпланган Самарқанддаги Қабуллар уйи шундай гўзал ва маҳобатли мажмуалардан бири бўлибди. Бу саройнинг кўрку салобати, ландшафт дизайни ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

**Ли ЦЗИНЬСЮ хоним, Хитой ижтимоий фанлар академияси Тарих институтининг Евроосиё тадқиқотлари маркази директори, профессор:**

— Мен Марказий Осиёнинг тарихини кўп ўқиб, ўрганганман. Ўзбекистон азалдан минтақадаги муҳим мамлакат бўлиб келган. Қадимда ватандошларингиз Хитойга бориб, у ерда санъат ва маданият, савдо-сотик ва тиббиёт каби ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Бу анжуман ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё илм-фани равнақиға қўшган бемисл ҳиссаси ҳақида фикр алмашиш, аждодларингизнинг илмий фаолиятини таҳлил этиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало Амир Темурни эсламан. Соҳибқироннинг куч-қудрати, салтанати дунё тарихида ўчмас из қолдирган. Унинг «Куч — адолатда» деган машҳур сўзлари инсонларни тўғрилиқ, ҳалоллик ва юксак

маънавият билан яшашга ундаб келмоқда.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатлараро тенглик ва тўғруликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар замирида ана шундай мақсад мужассам.

**Салоҳ СУЛТОН, Осиё муслмонлари кўмитаси котиби (Кувайт):**

— Шарқнинг буюк алломаси, қомусий мутафаккир Абу Райҳон Беруний инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бебаҳо илмий мерос қолдирган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» каби асарларида таълим-тарбия, билим ва меҳнатга оид чуқур маъноли фикрлар мужассам. Америкалик тарихчи олим Сартон ХI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиб бўлган буюк алломанинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади.

Қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида халқаро конференция юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Президент Ислоҳ Каримов нутқи конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Унда ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси, айна пайтда Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, ёшларга кўрсатилётган эътибор аниқ мисоллар асосида таъсирчан баён қилинди. Ўзбекистонда илм-фани ривожлантириш, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар эътиборга молик.

**ЎЗА махсус мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

■ Ko'zgu ■

## ЁШЛАР НИГОҲИДА

энг сара ўзбек фильмлари

**Бундан бир неча йиллар олдин телеэкранларимизда миллий менталитетимизга унчалик мос келмайдиган хорижий сериаллар намойиши ниҳоятда кўпайиб кетганди. Ҳаттоки, баъзи кадрлар томошасидан сўнг ота-оналар фарзандлари олдида хижолат тортиб қоларди.**

Шукри, кейинги йилларда ўзбек миллий кино санъати анъаналарини муносиб давом эттириш, ёшлар тарбияси ва маънавий қиёфасини оширишга хизмат қиладиган миллий кино намуналарини яратиш борасида киноижодкорларимиз томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Аслида яратилаётган ҳар бир кино ёшлар маънавиятини юксалтиришга,

аҳолининг маданий савиясини оширишга хизмат қилиши зарур.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган

«Ўзбекино» намойиш этади» шиори остида «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» фестивали ҳам мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришда амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларда миллий кино санъатини ривожлантириш, миллий кинематографияда эришилган ютуқларни тарғиб этишга қаратилди.

Мазкур фестивалнинг очилиш маросими пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўзбек кино санъатининг таниқли актёр ва актрисалари, «Камолот» фаоллари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди. Мазкур тадбир давомида Тошкент шаҳрида

ўтказилган «Юксак маънавиятли авлод» республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларига диплом ва совғалар топширилди. Сўнг таниқли эстрада хонандалари иштирокида концерт дастури ҳамда «Қора кузгун» фильми намойиш этилди.

— Ватанимизга кўз тегмасин. Осмони мусаффо юртимизда бундай байрамлар янада кўпроқ бўлаверсин, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳридин Раҳматов. — Кинофестивал давомида ўтказилаётган учрашув, маърифий тадбирларда ёшлар билан мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб бердик. Бундай фестивалларнинг ташкил этилиши ёшлар тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди.

Икки кун давом этган фестивал доирасида Тошкент шаҳрининг барча туманларидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, кинотеатрларда киноижодкорлар, сцена-



рийнавислар, ёзувчи ва шоирлар, режиссёрлар, актёрлар билан учрашувлар, ижодий мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Ўтказилган тадбирларда сўнгги йилларда суратга олинган «Қора кузгун», «Хонадон эгаси», «Пойга», «Кудук», «Бекатдаги одам», «Виждон», «Кўрғон», «Кўргим келади» ҳамда «Зарб» каби тарбиявий аҳамиятга эга фильмлар намойиш этилди.

Кеча «Киночилар уйи»да фестивалнинг якуний қисми бўлиб ўтди. Унда

фестивал давомида фаол иштирок этган ижодкорлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилди. Таниқли киноижодкорлар ва эстрада хонандалари иштирокида концерт дастури ҳам намойиш этилди.

**Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири.**  
Рустам Назарматов олган сурат.



18-may — Xalqaro muzeylar kuni

# Музейдан сўзловчи масканлар

*Вақт фақат олдинга қараб ҳаракатланади. Бироқ бир жой борки, у сизни тинч ва ҳаётга, миллионлаб йиллар музейга қайтариши мумкин. Бу — музей.*

Музейларнинг тарихи узун. Дастлаб одамлар муайян соҳа ёки мавзуга оид нарсаларни эстетик қимматга эга бўлгани учун шунчаки эсдалик сифатида сақлай бошлашган. Бундай тўплалар одатда антик давлатларнинг сарой хазиналари, ибодатхоналар ёки бадавлат шахсларнинг хонадонларидан жой оларди.

Мохиятан бугунги ўхшаш музейлар эса Европадаги Уйғониш даврида пайдо бўлган. Уларда буюк географик кашфиётлар натижасида топилган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси намуналари, минераллар, геодезия ва астрономия асбоблари, этнографик аҳамиятга эга ашёлар жамланган.

Ўзбекистонда музейлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этила бошланди. Биринчилар

қаторида Тошкент ўлкашунослик музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи), Самарқанд халқ музейи (ҳозирги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи), Фарғона халқ музейи (ҳозирги Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи) ишга тушди.

Ҳозирга қадар юртимиздаги музейлар сони юздан ошди. Деярли барча вилоятларда ўлкашунослик музейлари очилган. Шунингдек, айрим тарихий шахслар, буюк аллома ва мутафаккирлар, адабиёт намояндлари, маданият ва санъат арбобларининг уй-музейлари фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида шонли тарихимиз, бой маданий ва маънавий меросимизни тиклашга юксак эътибор қаратилди.

Буни кўплаб музейларнинг замонавий кўринишга келтирилгани ва бир қатор янги музейларнинг ташкил этилгани мисолида кўриш мумкин. Хусусан, 1996 йилда Президентимиз ташаббуси билан Темур

рийлар тарихи, 2001 йилда Қататон қурбонлари хотираси давлат музейлари ташкил этилди. Ҳар иккала музей Ўзбекистон фанлар академияси тизимида бўлиб, мамлакатимиздаги ноёб объектлар қаторига киритилган.

Ўзбекистонда юздан ортиқ музей бор. Шулардан учтаси: Бухородаги Арк, Хивадаги Ичан-қалъа ҳамда Навоий вилоятидаги Сармишсой табиий-археологик мажмуаси музей-қўриқхона макомига эга.

Дунёда болалар музейлари ҳам бор. Улар орқали кичкинтойлар қадимги кўғирчоқларга дўст тутиниши, эртақ қаҳрамонлари даврасида ширин таомлар тамадди қилиши, деворда чизилган ҳайвонлар билан тиллашиб, эртақлар поездида саёҳат қилиши, болалар супермаркетиде уйнаши, митти шахарчалар барпо этишлари мумкин. Бундай ажойиботларга бой музейлар билан сиз ҳам танишинг.

## НОН-КЎҒИРЧОҚЛАР, МУМ ҲАЙКАЛЧАЛАР ВА ЭРТАКЛАР ПОЕЗДИ

ШВЕЦИЯ

Болалар ёзувчиси Астрид Линдгрэн музейи сеҳрли уйнинг ўзгинаси. Бу ерда ўйин майдончаси, китоб дўкони ва эртақлар поезди мавжуд. Темир излар сизни эртақлар оламига елтади. Йўл-йўлакай кичкинтойлар эртақ эшитиб, Карлсон, Пеппи — Узун Пайпоқча каби қаҳрамонлар билан учрашадилар. Музейда болалар учун спектакллар ҳам қўйиб берилди.

АВСТРИЯ

Европадаги энг яхши болалар музейи Венада жойлашган. У «Океан», «Арт-студия», «Тадқиқотчилар олами», «Анимацион фильмлар студияси» каби бир қанча ҳудудларга бўлинган. Музейда кўплаб аттракционлар: кўзгулар туннели, сувли матраслар, болаларнинг эшитиш ва кўриш қобилиятини ривожлантирувчи ўйингоҳ ва бошқалар мавжуд. «Арт студия»да болалар пластик идишлардан турли нарсалар ясашади. Ўзлари уй ҳам қуришлари мумкин. Жажжи «қурувчи»ларга махсус иш кийими, резина этикчалар берилди.

ФРАНЦИЯ

Франциялик болалар дам олиш кунлари ота-оналари билан Шарль Перро қасрига саёҳат қилишади. Музейда 150 дан ортиқ мумдан ясалган эртақ қаҳрамонлари «яшайди». Ҳар якшанба куни улар «жонланиб», меҳмонлар кўз ўнгида эртақ томошаси кўрсатилади.

ЧЕХИЯ

Прагадаги музейларнинг бирида ноёб ўйинчоқлар коллекцияси сақланади. Уларни чехиялик таниқли рассом ва режиссёр Иван Штайгер ҳаёти давомида тўплаган. Экспонатлар орасида қадимги мисрликлар ва ҳиндулар томонидан нондан ясалган ўйинчоқларни кўриш мумкин.

БУЮК БРИТАНИЯ

Лондон болалик музейининг экспозицияси ҳам ўйинчоқлардан ташкил топган. Энг қадимгисининг ёши уч минг йилдан ошади. Музейда болаликни эслатувчи жами 20 мингта экспонат: чинни, ёғоч, пластик ва мумдан қилинган кўғирчоқлар, ўйинчоқ уйчалар, болалар мебели, ўқув қуроллари ва бошқалар жамланган. Мусиқий автомат, тебранма кўзгу каби кўнгилочар аттракционлар ҳам болалар хизматида.

ХИТОЙ

Пекиндаги болалар музейи, асосан, саккиз ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган. Музейда нима билан шуғулланишни ҳар ким ўзи ҳал қилади. Шумтақалар ғор устидан қилқўприк орқали ўтиши ёки қалъани ишғол этишга уриниб кўришлари мумкин. Ҳафтада бир маротаба кўғирчоқ театри намойиш этилади. Кичкинтойлар деворда чизилган ҳайвонлар билан суҳбатлашиш имконига эга. Музейда сув ҳавзаси, санъат галереяси ва болалар супермаркети ҳам бор.

## Темурдаги ноёб экспонатлар

Бухородаги «Тоқи телпақфурушон» ёдгорлигида Бухоро давлат темирчилик музей-устахонаси жойлашган.

1992 йил ташкил этилган мазкур музейни уста темирчи Шокир Камолов ҳамда унинг ўғли Шавқиддин Камолов бошқариб келмоқда. Олтмиш саккиз ёшни қаршилаган Шокир бобо темирчилар сулоласининг бешинчи авлоди вакили. У киши 2004 йил Президентимиз фармонида кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Музейда темирдан ясалган пичоқдан тортиб кўл соатигача бўлган кўплаб буюмларни учратасиз.

Музейга хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши баланд. Бу ердаги экспонатлар АҚШ, Чехия, Покистон, Малайзия каби давлатларда ўтказилган кўргазма ва фестивалларда фахрли ўринларни қўлга киритган.



Ўтган йили Шавқиддин Камолов Германияда ўтказилган «Темирчилар иш устида» кўргазмасида қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлди. Шунингдек, Дамашқ пўлатида ишлаш технологиясини ҳам ўрганиб қайтди. Айни кунда музей-устахонада етти нафар ёш уста темирчилик санъатини ўрганапти.

## Марказий Осиёда ягона

Сурхондарё замини жаҳон фани ва маданиятида ўзига хос ўринга эга. Буни воҳада шу вақтга қадар аниқланган тўққиз юзга яқин тарихий, меъморий ва археологик манзилгоҳлар исботлаб турибди.

Минг йилликлардан гувоҳлик берувчи осори атиқаларни асраб-авайлаш ва тарғиб этишда Марказий Осиёда ягона ҳисобланадиган Термиз археология музейининг бунёд этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу музей 2002 йилнинг апрел ойидан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Музей кириш залидан, тўққизта асосий зал ва устун асослари галереясида иборат. Кириш залида турли тарихий даврларга тегишли камёб тош ва гипсдан ишланган ҳайкаллар, тош ҳовуз ва катта ҳажмдаги сопол хумлар жой олган. Маданий-маърифий маскан сифатларини ўзида тўлиқ му-

жассам этган музейда тош асридан бугунги кунгача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар бор. Уларнинг сони эллик тўрт мингдан ошади. Шундан 76 таси жаҳон аҳамиятига молик. Жумладан, Шўрчи туманидаги Жойилма қишлоғидан топилган милоддан аввалги XVII-XVI асрларга оид муҳрни олайлик. Мутахассисларнинг фикрича, ундаги барҳаётлик, яратувчанлик, доноликни акс эттирувчи дарахт ва илон тасвири давлатчилик тузилмасининг илк белгиларидан дарак беради. Шерободдаги Навбоғ қишлоғидан топилган санам ўтмишда юртимизда ҳайкалтарошлик санъати нақадар юксак ривожланганидан далолатдир. Ушбу ҳайкал Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган республика музейлари фестивалида энг ноёб экспонат сифатида баҳоланиб, «Буюк Бақтрия маъбудаси» номини олди.

## Мовий дунёдаги музей

Музейлар фақат қуруқликда бўлади, деганлар адашади. Буюк Британиянинг миллий денгиз музейи бунга мисол. Музей бир неча аср илгари Генрих VIII давридаги порт ўрнида қурилган. Ҳарбий денгиз флотига қарашли бўлган бу портда қиролнинг доимий қароргоҳи ҳам бўлган. Музейнинг бир қисмидан денгиз ичига тушиш мумкин. Ойнаванд зал томошабини мовий дунёнинг сир-синоатлари билан таништиради.

## Фақат интазоиллар қарсин!

Ўзига хос тартиб-интизом жорий этилган музей Ватиканда жойлашган. Музейга кириш бепул, фақат кийинишингиз уларнинг тартибига тўғри келса бас. Негаки, бу ерда махсус кийиниш тартиби (дресс-код) жорий қилинган.

Музей экспозициясидан қадимги Рим папаларига тегишли бўлган суратлар, ҳайкалчалар ва қадимги шоҳона жавонлар ўрин олган. Музей деворлари суратлар билан безатилган бўлиб, у ерга киришингиз биланоқ бетакрор мозаика устидан юрасиз.



## Суратлар битилган китоб

Юртимизда табиат қўйнида жойлашган музейлар ҳам бор. Масалан, Қоратоғ бағридаги Сармишсой дараси қадимги қоятош суратлари, археологик ва маданий ёдгорликларни ўз ичига олган. Бу ернинг табиати ҳам ранг-баранг. Ҳозирда мазкур ҳудуд музей-қўриқхона сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Сармишсой табиий-археологик мажмуасида шамол эрозияси натижасида ҳосил бўлган турли ҳайвон ва одамларга ўхшайдиган қоятош шакллари кўп. Ун мингга яқин қоятош расмлари ҳамда петроглифлардан иборат ноёб коллекция қўриқхонанинг асосий ёдгорлиги ва фахри ҳисобланади. Сармишсойнинг «суратлар битилган китоб» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Дарадаги петроглифлар милоддан аввалги 4—1-минг йиллик ва ундан кейинги даврларга мансуб. Улар бронза, темир ва тош билан ўйиб ишланган бўлиб, жаҳон миқёсида ибтидоий санъатнинг нодир намуналари сифатида эътироф этилади.

Сармишсой расмларида ёввойи ҳайвонларни ов итлари ёрдамида овлаш, ҳайвонларнинг ўзаро уруши, чорвадор ва рақс тушаётган одамлар, диний маросимлар билан боғлиқ манзаралар тасвирланган. Қоятошларда хонаки ва ёввойи ҳайвонлар, ўқ-ёй, ханжар, қилич, найза каби ов қуроллари, кийимлар (ду-булга, учли қулоқчин, калта чопон, оёқ кийим ва бошқалар) суратлари ҳам учрайди.



# КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТНИНГ ФАОЛ ЁШЛАРИ

Андижон вилоятида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!»  
шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

**Мустақиллигимизнинг  
йигирма уч йиллигига  
бағишлаб ўтказила-  
ётган «Биз — буюк  
юрт фарзанд-  
ларимиз!» шiori  
остидаги ёшлар фес-  
тивали садолари ўзи-  
нинг дўстиси ва  
палови билан машҳур  
маскан, Бобур юрти  
Андижонда жаранг  
сочди.**

Андижон аэропортида пойтахтдан тариф буюрган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шоиру ёзувчилар, санъаткорлар, театр ва кино актёрлари ҳамда бошқа бир гуруҳ фестивал тарғиботчилари карнай-сурнай садолари остида «анжанча» рақслар билан кутиб олинди. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Мирза Азизов, Саида Раметова, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари — Гуласал Абдуллаева, Шерзод Бек, актрисалар — Асал Шодиева, Ёркиной Ғозиевани ҳам учратдик.

## ШОИРНИ ХОТИРЛАБ...

Фестивалнинг биринчи куни тарғиботчилар Марҳамат қурилиш ва индустриал касб-хунар коллежида бўлиб, у ерда ижод аҳли, мактаб ва коллеж ўқувчилари, маҳалла фаоллари билан учрашди. Учрашувда сўз олганлар мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб, барчани байрам билан қутлашди. Сўнг, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — мустақилликка эришиш остонасида» китоби ва унинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида давра суҳбати ўтказилди. Мавзу доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафизахон Каримова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов ва бошқалар сўз юритиб, мустақилликка осонлик билан эришилмагани, қисқа давр ичида юртимизда амалга оширилган салмоқли ишлар, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш кераклиги хусусида фикр билдиришди. Улар томошабинларнинг саволларига жавоб беришди.

Тумандаги 5-музыка ва санъат мактабида ташкил этилган учрашувда йиғилганлар эрта турмушнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш тўғрисида гапириб ўтдилар. Эл суйган санъаткорларнинг дилтортар қўшиқ ва



рақслари иштирокчиларга завқ улашди. Шундан сўнг тарғибот гуруҳи аъзолари Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг олтинчи йиллиги муносабати билан шоирнинг яқинларидан хабар олиб, уни хотирлашди.

— Юртимизда ёш иқтидорлиларга, ижодкор ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш борасида кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди ёш ижодкор Зулхумор Орифжонова. — Бугунги фестивалда қатнашаётган тенгдошларимнинг ташаббускорлик, жўшқинлик ва интилувчанлигини кўриб қувондим. Мен ҳам ўз ижод намуналарим билан мушоирада фаол қатнашяпман.

Тарғиботчилар гуруҳи Хўжаобод туманида «Биз, ёшлар — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қаршимиз!» шiori остида ташкил этилган учрашувда ёшлар билан жонли мулоқотда бўлди. Унда ёшларга одам савдоси, унинг салбий оқибатлари ва масаланинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида гапириб беришди.

— Учрашувда ўзимизни қизиқтирган кўп саволларга жавоб олдик, — дейди Хўжаобод қурилиш коллежи ўқувчиси Азизахон Эргашева. — Яна бир бор амин бўлдимки, инсон бирор соҳани танладими, шу йўлда маълум бир ютуқ ва натижаларга эришиш учун тинимсиз изланиши, машаққатлардан чўчимаглиги керак экан. Мен ҳавас қилган санъаткорларнинг бу борадаги тавсиялари, ўз ижод йўли ҳақидаги ҳикоялари ибратли бўлди.

Дастур доирасида меҳмонлар тумандаги «Фазо» ишлаб чиқариш хусусий корхонасида бўлиб, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларнинг сифати, ишчи-ходимларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

## ХОКИМ — ЁШЛАР ХУЗУРИДА

Ёшлар фестивали доирасида вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ҳамда ўнга яқин шаҳар ва туман ҳокимлари билан «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда фаол талаба-ёшлар иштирокида учрашувлар ташкил этилди. Мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган савол ва тақлифларини айтишди. Учрашувнинг «Энг яхши тақлиф» танловида тақлиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашган ёшлар муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида соҳа мутахассислари ва таниқли санъаткорлар иштирокида Марҳамат, Избоскан туманлари ҳамда Андижон шаҳрида жойлашган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларда «Виждонли сотувчи» акцияси ўтказилди. Қувонарлиси, дўконларда вояга етмаганларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш жараёнлари кузатилмади.

## БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИМIZ!

Андижон шаҳри ва Қўрғонтепа, Пахтаобод, Хўжаобод, Олтинкўл туманларида «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида таниқли санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, мамлакат, Осиё ва жаҳон спорт мусобақалари совриндорлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» кубоги учун футбол-шоу ўтказилди. Ҳар бир шоу якунида республика тарғибот гуруҳлари томонидан гала-концерт ташкил этилди.

— «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шiorининг ўзиёқ кўнгилларга ифтихор ва ғурур бағишлайди. Бу каби тадбирларнинг ўтказилаётгани нафақат ёшларнинг ўзига, шу билан бирга, биз, санъаткорларга ҳам қувонч бахш этади, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Машҳурбек Раимжонов. —

Фестивал орқали биз минглаб ёшлар билан юзма-юз кўришдик, уларнинг санъат ҳақидаги фикрларини эшитдик.

Фестивал доирасида Асака туманида жойлашган «GM — Uzbekistan» ЁАЖ заводига барча тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида саёҳат ташкил этилди. Бу ерда заводнинг ишчи-ходимлари учун маданий дастур ташкил этилди.

## ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!

Ушбу лойиҳа доирасида вилоятнинг Қўрғонтепа ва Пахтаобод туманларидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар учун маданий тадбирлар ташкил этилди.

— Бундай қувноқ тантаналарнинг барчаси тинчлигимиз туғайли, — деди актёр Алишер Узоқов. — Тенгдошларимнинг ғайрат-шижоатини кўриб, ватанимиз келажаги чиндан ҳам буюк эканига яна бир бор амин бўлдим. Бундай ёшлари бор халқни ҳеч қандай гаразли куч енга олмайди.

Лойиҳа давомида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда вилоят ҳокимлигининг махсус эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳрихон туманидаги маданият ва истироҳат боғида «Ватан тараққиётига менинг хиссам» лойиҳаси доирасида бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўرғазмаси намойиш этилди. Унда касб-хунар коллежлари битирувчилари ва уюлмаган ёшлар тенгдошларининг маҳсулотларини томоша қилиб, керакли маслаҳатлар олишди. Тадбир якунида кўрғазмада фаол иштирок этган ёш тадбиркорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят музыкали драма ва комедия театрида вилоятдаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди. Унда жамоаларнинг юморга бой сахна чиқишлари фестивал иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

Уч кун давом этган ёшлар фестивали Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» стадионида гала-концерт билан ўз якунига етди. Фестивал доирасидаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган ҳамда йил давомида юқори кўрсаткичларга эришган вилоят ёшлари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

**Миролим ИСАЖОНОВ,  
Зилола ТУРСУНБОЕВА.  
Андижон вилояти**





# СОҒЛОМ ТУРМУШ — СОҒЛОМ ҲАЁТ

*Назокат ва Акроннинг тўйини чиройли, ҳамма-нинг ҳаваси келадиган қилиб ўтказишди-ю, тўйдан ҳам муҳимроқ бўлган икки ёшнинг соғлиги, турмушга тайёрлиги, тиббий кўрик деган масалалар ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Келса ҳам, бунга панжа орасидан қараишди. Тезроқ тўйни ўтказиб олайлик, қолгани бир гап бўлар, дегандек...*

*Ҳолбуки, кўёвнинг ота-онаси ва яқинлари унинг руҳий касаллигини билишарди. Тиббий кўрик тўй бўлиб ўтгач амалга оширилди. Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади, деганларидек, Акроннинг хасталиги тезда маълум бўлди. Қанча умид, орзулар билан бир хонадонга қадам қўйган келинчакнинг қадамлари ҳавода муаллақ қолди гўё. Қизгинанинг изтироблари билан энди ким ҳисоблашарди, бунёд бўлмай туриб бузилган оила бадалини ким тўлайди? Ҳақ-ҳуқуқларини тузук англамаган ёшларми, лоқайд катталарми?!*

## «ҚИЗИМГА ЁРДАМ БЕРИНГ, ДОКТОР!»

Шундай дея ўқиб йиғлаётган ёш онанинг ноласига совуққон одам ҳам бефарқ қараёлмайди.

Шифокор хузуридаги қизча тўрт ёшлар, чамаси. Сочлари жингалак, киприклари узун-узун, қош-кўзи тим қора. Қўғирчоқнинг ўзгинаси. Серҳаракат, бийрон-бийрон гапирди. Бир қараганда, қизалоқнинг касаллигига ишонмайсиз. Танаси соғлом, аммо...

Навбатда туриб бироз зерикди, чоғи, қизча ойисига хархаша қила бошлади. «Жим бўл!» — сал қаттикроқ гапирди ойиси қизчага. Қизча баттар инжиқлана бошлади. Сўнг қулай қилди-да, ойисининг дуч келган жойидан тишлаб олаверди. Оғриқнинг зўриданми, хижолатданми, аёл қизариб кетди. Невропатолог уларни тинчлантиришга шошилди. Аёл бироз тин олгач, шифокорга юзланди:

— Болам чақалоқлигида ҳам жуда инжиқ эди. Мана, ҳозирги аҳволини кўриб турибсиз. Қанча даволатдик,

фойдаси бўлмади. Жаҳли чиқса, ҳеч кимни, ҳеч нарса-ни аяб ўтирмайди. Даврларда ҳам хотиржам ўтиролмайман, жазаваси тутса, атрофдагилар олдида ноқулай бўламан. Болагинамнинг бундай бўлиб қолишига сабаб нима, илтимос, қизимга ёрдам беринг, — илинж билан боқди она.

— Ҳомиладорлик вақтингизда сиз кўп асабийлашгансиз, жаҳлдор бўлгансиз, сиқилгансиз. Салбий муносабат, оиладаги носоғлом муҳит туфайли бу ҳолатлар кўпчилик аёлларда учрайди. Тез-тез асабийлашиш бўлажак ёш оналарнинг ўзига ҳам, боласига ҳам ёмон таъсир қилади, соғлигига путур етказди. Оилада бўлажак оналарга етарли ғамхўрлик кўрсатилмаса, муаммолар уларни чарчатиб қўйса, узлуксиз газабланавериш сабабли уларда оғир руҳий тушкунлик, қон босимининг кўтарилиши, юрак хасталиклари, артритлар, турли кўри-нишдаги сиқилишлар, дори-ларга ружу қўйиш ҳолатлари келиб чиқади.

Маслаҳатим: аччиқланаверишдан ўзингизни тийинг, ақл билан иш тутинг. Асабни, газабни жиловлашни, ўзингизни бошқаришни уддаласангиз, ишонинг, турли касалликлар, кўнгилсизликлар сиздан узоқлашади. Кўп нарса ўзингизга боғлиқ. Агар билсангиз, яқин-яқингача хотин-қизларнинг, аниқроғи, тарбияли аёлларнинг газабини намоеъ қилиши уят саналган. Улар оиладаги ҳар қандай муаммони босиқлик, мулойимлик билан ҳал қила олганлар. Уларнинг аёллик фазилати ҳам шунда-да!

## УЗИГА ТУШИШ ХАВФЛИМИ?

Бугунги кунда фан-техника шунчалик ривожланиб кетдики, уларни нақ мўъжизага қиёсласа бўлади.

Скрининг марказлари болани у ҳали она вужудида эканидаёқ соғлом-носоғломлигини аниқлаб беради.

Ультратовушли текширувлар юкли аёлни кузатиш воситаси, буни дунё тиббиёти тан олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай муолажа фақат аниқ тиббий зарурат бўлганда ва онага бирор керакли маълумот бериш учун ўтказилсагина мақсадга мувофиқ.

Кўпинча ёш оналар, айниқса, биринчи фарзандини кутаётганлар ўғил-қизлигини билиш учун қизиқиб қайта-қайта УЗИга тушади. Тиббий маълумотлари етарли бўлмаган бундай ёш оналарга қандай маслаҳатлар зарур, дея биз олий тоифали шифокор-гинеколог Гулчеҳра Асроровага мурожаат қилдик.

— **Бўлажак онага такрор-такрор УЗИга тушиш хавфли эмасми?**

— Биз, мутахассислар ҳомиладор аёлларга фақат зарур ҳоллардагина бу кўрик-

дан ўтишини тавсия этамиз. Бўлар-бўлмасга ультратовушли текширувдан ўтавериш яхши оқибатларга олиб келмайди. Албатта, УЗИ зарарли, деган фикрдан йироқмиз, лекин нур таъсирида ҳомила тўқималарининг ҳарорати кўтарилиши мумкин. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида, яъни ҳомиланинг тери ва тўқималари, марказий асаб тизими жадал ривожланаётган босқичида ультратовуш тўқинлари ушбу жараёнга таъсир қилиши мумкин. Зарур тиббий эҳтиёж бўлмаса болани хатарга қўйишнинг кераги йўқ. Кейинги пайтларда баъзи ёш ота-оналарнинг УЗИ аппарати ёрдамида ҳомиланинг дастлабки ривожланиш палласини «эсдалик учун» дисklarга кўчириб олишни урфга айлантираётганларининг гувоҳи бўляпмиз. Бу мутлақо нотўғри иш. Фарзандининг соғлом туғилишини истаган ота-она сабр-қаноатли бўлиши лозим.

## «СИЗДАН ПУЛ СЎРАДИММИ?!»

Асилбекка кетма-кет омад кулиб боқди. Институтни тугатгач, отасининг ёрдами билан ўзининг фирмасига эга бўлди. Кўп ўтмай, машина олди. Ўзи ёқтирган қизга уйланди. Хуллас, орзуларига осонгина эриша бошлади.

Бахтдан масрур Асилбекнинг қувончи чексиз. Хурсандлигидан терисига сигмаётгандек.

«Э, кел-е, бундай лаҳзаларда қиттаккина отиб олмасам ҳеч бўлмаяпти» — ўйлади йигит. Ўртоқларини учратгани кўнглидаги иш бўлди. Улар яқин атрофдаги тамаддиҳонага кириб овқатланишди, ичишди...

Тўйига ҳали бир ҳафта бўлмаган кўёв уйга ширакайф ҳолда кириб келди.

— Бу нима аҳвол? — деди ўғлининг кайфи борлигини сезган отаси.

— Бугун шунақа бўлиб қолди-да, — деди Асилбек сал хушёр тортиб. — Жўраларим кўймади. Биздан баландлаб кетиб энди бизни танимаяпсанми, дейишди, шунга... Бошқа қайтарилмайди, — деди эшитилар-эшитилмас. Ва «тергов»дан осонгина қутулганига ичида хурсанд бўлди.

Эртасига яна ичди, сабаби тайёр — «бошоғриғини қолдирмаса бўлмасди»...

Бу ҳолат одатга айлана борди.

— Кўп ичма, болам, ахир, ёш келин-кўёв бўлсаларинг, — деди онаси куйиниб. — Зормонданг зурриёдингга зиён қилади, ўйлаяпсанми шуни?

Энди Асилбекни онаси ҳар куни тергайдиган бўлди. Бу койишлардан иккаласи ҳам зерикди.

Шундай кунларнинг бирида Асилбек онасини қаттиқ ранжитди:

— Тинч қўясизми, йўқми, ичсам ўзимнинг пулимга ичман. Сиздан пул сўрадимми?! — дея ўшқирди.

Туппа-тузук йигитнинг бу аҳволга тушганидан танишлари ҳайрон. «Сиқилганидан ичса керак-да», деди биров. «Нима сиқиладиган жойи бор, ҳамма нарчаси етарли бўлса. Оёғининг тагини йўқотиб қўйган бола» — баҳо берди кўшниси. Асилбекка ачи-ниб тўғри йўлга бошламоқчи бўлганларга у, кўролмапсанларми мени, деди кибр билан.

Фақат сўнгги пушаймонгина Асилбекни аччиқ ҳақиқатни тан олдириб, ўзига келтириб қўйди — фарзанди ногирон туғилди...

**Майсара НАЗАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**



■ Ma'rifat ■

## МУТОЛАА ЗАВҚИ

*Фаллаорол туманидаги 44-мактабнинг ахборот ресурс маркази ҳар доим ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда улар турли газета-журналларни, бадиий китобларни топиб мутолаа қилишади.*

Кундалик янгиликлардан воқиф бўлиб боришади. Айниқса, китобхонлик бўйича мактаб, туман, қолаверса, вилоят миқёсида ўтказиб туриладиган турли танловларда фаол иштирок этишади. Мутулаа залида таниқли адиб, шоирларнинг юбилейлари муносабати билан бадиий кечалар ўтказиб турилади. Бу тадбирлар ўқувчиларда олам-олам таассурот қолдиради. Кутубхона мудираси Сожида Ҳакимова бу тадбирларга доимо бош-қош.

**СУРАТДА:** Сожида Ҳакимова туманда ўтказилган китоб сайлида ўқувчиларни нашр этилган янги китоблар билан таништироқда.

**Шоди ОТАМУРОД** фотолавласи



Fan oyliklari

## БИЙРОН СЎЗЛАЁТГАН БОЛАЛАР

— Welcome, to our school!

Welcome, to the festivity of Stars!...

Мактабга элтувчи йўлакларда жажжи болакайлар инглиз тилида тутилмай, бийрон-бийрон гапирганча бизга пешвоз чиқди. Бу манзара пойтахтимиздаги 307-ихтисослаштирилган мактаб ҳақидаги илк, самимий таассуротни уйғотди.



Мактабда «Юлдузлар салтанати» байрами ўтказилди. Унда учинчи синф ўқувчилари инглизча кўшиқлар айтиб, рақсга тушишди. «Бўри ва кичкинтойлар» эртаги сахналаштирилди. Улар «I want to be...» мавзуида ўз фикрларини орзу-интилишларини инглиз тилида эркин билдириб, йиғилганларни ҳайратга солишди.

— Бугун байрамда «Head and shoulders» кўшигини айтдим, — дейди учинчи синф ўқувчиси Дилафрўз Солиҳова. — Дугонам Санам эса ўзи

ёзган «The holiday» шеърини ўқиб берди. Келажакда мен ҳам устозимизга ўхшаб инглиз тили ўқитувчиси бўлмоқчиман.

Сунгра 9-«А» синфда «Инглиз адабиёти: кеча ва бугун» мавзуида очик дарс бўлиб ўтди. Людмила Борисова «Ақлий ҳужум» методи орқали инглиз адабиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кенг маълумотлар берди. Дарсда фаол қатнашган ўқувчиларга совғалар топширилди.

— Шогирдларимнинг инглиз тилини ўрганишга қизиқиши юқори,

— дейди Людмила Борисова. — Улардан кўнглим тўқ. Мавзуларни тез илғайди ва кўп савол беради. Келгусида ўқувчиларимдан яхши касб эгалари етишиб чиқишига ишонаман.

Шундай очик дарслар 1-«Б», 5-«А» синфларда ҳам бўлди. Инглиз тили фан ойлигига бағишланган ушбу тадбир учун очик дарслар таассуротларга бой, қизиқarli ўтказилди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири



Шу кунларда республикаимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тили фан ойлиги ўтказилаёпти.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 213-мактабнинг инглиз тили хоналари кўргазмалари жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса ўқувчиларга билим олишлари учун янада қулайлик яратади.

СУРАТДА: Миробод туманидаги 213-мактаб ўқитувчиси Латофат Турсунматова 2-«А» синф ўқувчиларига инглиз тилидан сабоқ бераёпти.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ  
фотолавласи

Taassurot

## АСАРЛАРДА ҲАЁТ ТАСВИРИ

Бир томчининг ёруғлик зарраларида

саккиз рангда жололанганини кўрганмисиз? Жавобингиз йўқ бўлса керак?! Ҳатто камалак ҳам етти хил рангда намоён бўлади. Саккиз хил ранг аксини қаерда кўрган экан, деб ўйлагандирсиз ҳам. Сизни ҳайратга солдимми? Ҳа, ўзим ҳам шундай бир тасвир қаришида узоқ туриб қолдим.

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб студияси битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмасида айланар экансиз, бундай ноанъанавий асарларга жуда кўп бора рўбарў келасиз. 2006 йил Ўзбекистон Фотосуратлар уйи академияси қошида ташкил топган ва бир неча авлод профессионал фотограflарни етиштириб бераётган ижодий фотосурат мактаб студияси аънаёнага биноан бу йил ҳам янги истеъдод эгаларини кашф этди. Битирувчиларнинг кўпчилиги учун бу кўргазма ўзига хос илк ижодий намоёиш, дебютдир. Кўргазма экспозициясидан жой олган тўққиз нафар иштирокчи стрит-фотография, арт-портрет,

концептуал портрет, ижтимоий фотография, пейзаж, натюрморт, фоторепортаж каби турли жанрларда ўзларини синаб кўрганлар. Фотосурат — ижодий асар: унга фотограф ўз дунёқарашини ва оламни қайси кўз билан кўришини, ўз ижодий нафасини ва тасаввурларини, натуранинг реал жозибасини сингдиради. Ва шу билан биргаликда томошабинлар ҳам асарларни ўз оламларининг кўзи ила ўқишга киришадилар. Фотограф кўрган гўзалликни кўра олиш, расмлардан сеҳрланиш ва уларни тушуниш муҳлисдан маънавият ҳамда эстетик дид талаб этади. Залдаги томошабинларнинг кўплиги эса кувонарли, албатта.

Қишда қор парчаларининг рақсига узоқ шайдо

бўлганмиз. Лекин ўша лаҳзаларни хотирамизда муҳрлай оламизми? Виктория Борисович томонидан моҳирона тасвирга олинган «Қор мозаикаси» композицияси қиш фаслининг кўз илғаб ололмайдиган гўзал манзараларини ўзида мужассамлаштирган. Кўклар келиб, қишнинг аёзларидан қутулганимизга шукрона айтган бўлсак-да, суратдаги шу манзарага тушиб қолгимиз келади.

Зал бўйлаб ижодий сафаримизда, суратлар жуда юқори савияда олинганлигини, услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажралиб туришини сезамиз. Бир юз ўттиздан зиёд асарларни томоша қилар экансиз, ҳар бир асар ўзининг янги усули, олдингиларини такрорламаслиги билан эътиборингизни тортади.

Кеч куракда эрта ёққан қор белини буккан, совуқдан толган бир атиргулнинг очилиб турганини тасаввур қилинг. Унга раҳмингиз келди, сиз уни қаттиқ аёздан қандай сақлаган бўлардингиз? Беназир Абдулла-хўжаевнинг «Ҳимоя остида» асари бир қарашдаёқ эътиборни тортади: соябон остида совуқдан сақланган гул. Табиат қонун-

ларига бўйсунмай илож йўқ, атиргулга бошқача ёрдам беролмаймиз...

Ижодкорнинг яна бир сурати — «Из». Ҳаётни баъзан оқар сувга қиёслаймиз. Сувда ҳам из қолдириб бўладими? Ҳаётда ўз изимизни қай даражада қолдира оламиз? Расмда бутун бошли анҳорнинг ўртасида ёлғиз оқиб кетаётган кичик шарчага нигоҳингиз тушади. Фотограф расмини шундай олишга муваффақ бўлганки, шу митти шар ўзидан гўзал из қолдиргандек гўё. Аслида, бу изни «пайдо қилишда» дарахлар, қуёш нури, булутлар, қушлар — бутун табиат ёрдамга келган. Ҳаётда ҳам шундай эмасми, биз қолдираётган изда ҳам, яқинларимиз, ҳатто душманларимизнинг ҳам «хизмат»лари бор...

Кўргазма залини айланар эканмиз, ўз хаёлларимиз оламига фарқ бўламиз, фотограф айтмоқчи бўлган фикрни илғашга ҳаракат қиламиз. Саёҳатимиз сўнггида чанқаб турган қалбимиз нечоғлик маънан озуқа олганини, дилимиз яйраб, танамизга қувват юргганини сезамиз.

Парвина ОМОНОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси



## Барини вақт кўрсатади

Дунё олимлари Антарктида ғарбидаги шелфи музлар эриши натижасида, бир неча асрдан сўнг дунё океанининг сатҳи тахминан уч метр кўтарилишини тахмин қилдилар.

Европа университетларидаги тадқиқот ишларининг аксарияти айнан шу мавзуга қаратилган. Бироқ уларнинг барчасида буни тўхтатиб бўлмаслиги маълум қилинган. NASA мутахассислари эса Амундес денгизидagi Туйетс шелфи музлиги эригач, барчаси занжир кўринишида бошланишини тахмин қилдилар. Глобал исиш эса бу воқеаларнинг тезлашишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

## Янги рекорд

Бразилиялик Марсел Фернандес уяли телефон клавиатурасида сўз териш бўйича рекорд ўрнатди.

16 ёшли ўсмир салкам 19 сонияда 25 та сўз ёзди. Мусобақа давомида «Серрассалмус ва пиноцентрус туридаги ўткир тишли пираниялар дунёдаги чучук сувда яшовчи энг хавфли балиқлар ҳисобланади. Аслида эса бу жониворлар одамга жуда камдан-кам ҳолатда ташланади» сўзларини ёзиш топширилди. Мусобақада эллика яқин киши қатнашди. Бу мусобақа инсондаги яна бир қобилиятни очишга ёрдам беради, деди ғолиб совринларни қабул қилгач. Дарвоқе, мусобақада муваффақиятли қатнашганларни «Apple» ва «Samsung» компаниялари янги смартфонлар билан тақдирлади.

## Инсофли ҳайдовчи

Хитойнинг Харбин шаҳрида яшовчи Чжао Лей машинасида унутиб қолдирилган 170 минг юан (27 минг АҚШ доллари) пулни эгасига қайтариб берди.

Маълум бўлишича, хитойлик ҳайдовчи пулни тўлиқ такси компаниясига топширган, такси компанияси эса пул эгасини топиб қайтарган. Пул ёш оилага тегишли бўлиб, эр-хотин таксиди янги машина олиш учун кетаётган бўлган. Суюнчи сифатида берилган 1600 АҚШ долларини эса кирақаш олишни истамаган.

## Лоқайдлик жазога лойиқ кўрилди

Жанубий Кореянинг 16 апрел куни чўкиб кетган Севол кемасининг тўрт нафар экипаж аъзосига нисбатан қотиллик айби қўйилди.

Мамлакат прокурори кема капитани, унинг икки ёрдамчиси ва бош муҳандисга жиноий иш қўзғатди. Бунга айбланувчилар кема чўкаётганда йўловчиларни эвакуация қилгани сабаб қилиб кўрсатилди.

Эслатиб ўтамиз, кема бортида 476 нафар йўловчи бўлган. Улардан 172 киши қутқарилган бўлса, 275 нафари ҳалок бўлган ва 29 киши бедарак йўқолган эди.

Интернет манбалари асосида  
Гулҳаё ЭЛМУРОДОВА,  
Отабек КУВОНДИКОВ тайёрлади



# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ



Ҳадемай, ўқув йили ҳам якунланади. Қадрдон мактаби билан хайрлашиш арафасида турган битирувчилар кўнглида ўзгача ҳаяжон. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тугатиб, университетда ўқишни истаётган абитуриентлар эса ширин орзулар билан тест синовларига тайёргарлик кўрмоқда.



Бироқ қаерда ўқисам экан, дея бироз иккилашиб турган ёшлар ҳам учрайди. Ана шундай пайтда уларга юртимиз олий таълим муассасалари тўғрисида муфассал маълумот берувчи тадбирлар, кўргазмалар ёрдамга келади.

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да бўлиб ўтган «Таълим ва мутахассислик» кўргазмасига келган ёшлар шундан хурсанд бўлишди. Бу ерда улар ўзлари қизиққан касб ва соҳалар, мутахассисликлар, уларни эгаллаш учун қайси олий ўқув юртида ўқиш кераклиги бораси-

да маълумот олишди. Соддароқ қилиб айтганда, бу кўргазма катта ҳаёт оstonасида турган йигит-қизларга яхшигина «йўл-йўриқ» кўрсатди.

Масалан, Тошкент автомобиль ва йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейи ўқувчиси Гулмира Набиддинова журналистикага қизиқар экан. Лекин қизиқиш бошқа, аниқ мақсад бошқа-да. Газета-журналлар таҳририятларида бўлиб, уларнинг иш жараёнларини кузатиб, бу соҳага меҳр қўйган Гулмира қайси олий таълим муассасасида ўқиши борасида

бир тўхтама келмай юрган бир пайтда ушбу кўргазма ҳақида эшитиб қолди.

— Келиб кўрдим, кузатдим ва қайси университетга ҳужжат топширишимни белгилаб олдим, — дейди Гулмира. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети айнан мен орзу қилган даргоҳ экан. Энди ҳеч иккиланмасдан унга ҳужжат топшираман.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими

бошқармаси ҳамда олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўргазмада минглаб ёшлар иштирок этди, кўпчилиги ўзларининг келгуси ўқиш ва иш жойларини топди.

Иш жойи деганимиз муболага эмас. Кўргазма доирасида меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳридан олтимишга яқин корхона ва ташкилот ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Рустам Назарматов олган суратлар.

## ЎҚИСАНГИЗ, АФСУСЛАНМАЙСИЗ

«Ёш куч» журналининг навбатдаги сонидан бир-биридан қизиқарли мақолалар, суҳбатлар ва фойдали маслаҳатларни ўқиш имкониятига эгасиз. Жумладан, журналнинг илк саҳифаларидан ўрин олган «Буюк қудрат эгаси» сарлавҳали мақолада Соҳибқирон Амир Темури ҳаёти, ҳарбий юришлари ва қурдирган иморатлари ҳақидаги қизиқ маълумотларга эга бўласиз.

Ҳозирги кунда энергия ресурсларининг камайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Масалан, куёш батареялари виллоятларимизга ҳам кириб бормоқда. Жумладан, Наманган вилоятида шу масалада қатор ишлар амалга оширилди. Бу ҳақида сиз батафсил маълумотларни «Муқобил энергия — муаммонинг ечими» сарлавҳали мақолани ўқиб олишингиз мумкин.

«Ўргимчак тўри» ибораси ҳеч кимга бегона эмас. Чунки орамизда унинг тўрига тушиб, азият чекканлар кўп учрамоқда. Ёшларга виртуал тизимдан тўғри фойдаланиш кераклиги ҳақида кўп гапирилади-ю, лекин нега тенгдошларимиз бу тўрга тушиб қолишяпти? Адолат Файзиёвнинг «Виртуал дунё» сарлавҳали мақоласини ўқисангиз, бу ҳақда ўринли фикр ва мулоҳазалар билан танишасиз. Унда ёшларнинг қандай қилиб ўргимчак тўрига илиниб қолаётгани, ундан қутулиш чоралари ва интернетдан фойдаланиш маданияти ҳақида билиб олишингиз мумкин.



**Шахло АБДУҚАЮМОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 19 май кунини «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши раиси **Фурқат Норматов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқийшингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Бокс қироли **Муҳаммад Алининг** ҳақиқий исм-фамилияси ким?

Жавобингизни 20 май соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Атой.** Тўғри жавобни биринчи бўлиб термизлик Жалолиддин Аскарлов йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Доимо олға интилиш — инсон табиатининг асоси.

**Блез ПАСКАЛ**

									Заҳарли қурбақа		Хусайни қишмиш		
Спорт тури		Булуғ (форсча)		Юк кўтариш қурилмаси	Заҳирдан Мухаммад			Бадиқ тури			Мотор қисми	Тиниқ, мусаффо	Кичрайтирилган нусха
								Тунги ҳордиқ		Оёғи узун кўш			
Тонг, сахар	Маҳсулот, мол			...-Пас (шаҳар)						...-астар		Ҳамза (актёр)	Кўйлак қисми
			Ойи, (шевада)	...-Думпур (шаҳар)	Километр (аббр.)		Ясама соч		«Тарихи мулки ...» (асар)	Ўрама пишириқ			
Оби ҳаёт	Очуғ, дунё		Самодёт зинаси			Қовуннинг кичик тилиги		Авлод...				Комил, баркамол	Хўл мева
						Гуд тури				Ари (русча)	Ясон кемаси (миф)		
Португалия ф/ж		Автоинспектор асбоби				Гуд тури		Чилдирма, даф					Товоннинг ердаги «расми»
					Кийим-кечак						Миркарим ... (адиб)		
Катта анҳор		Тарвузқовун пояси						Кўча эшиги					